311298

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 19 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 96 (7092)

Da'vat

Фан равнақисиз буюк келажак қуриб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 37-мактабга туман халқ таълими бўлими ҳамда «Жавоҳир - И» деб номланган кичик корхона ҳомийлигида ўтказилган газ қувурларидан «зангори олов» келди.

O'zbekiston – Moldova

МАҚСАД: ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ

Сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг ташқи давлатлар билан ҳамкорликлари, айниқса, иқтисодий соҳада, мислсиз даражада кенгайиб бормоқда. Самарали иқтисодий алоқалар ўз навбатида давлатимиз тараққиётига салмоқли улуш қўшмоқда. Айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳамкор давлатлари доирасида Молдова Республикаси ҳам алоҳида ўрин тутади. Яқинда, аниқроғи 17 декабрь куни Молдова Республикаси Президенти Петру Лучинскининг Ўзбекистонга расмий ташриф буюриши эса, ўйлаймизки, икки томонлама ҳамкорликнинг янада ривож топишига кенг йўл очади.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Молдова Президенти Петру Лучински ўртасида бўлиб ўтган яккама-якка мулоқот чоғида ҳам, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, халқаро сиёсатдаги долзарб масалалар хусусида сўз юритилди.

ЎзА мухбирининг хабарига кўра, қароргоҳда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Молдова ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро товар айрибошлаш ҳажмини ошириш ва бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Мажлис ниҳоясида Ўзбекистон билан Молдова ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро экспорт-импорт операцияларида эгри солиқ ундириш тамойиллари, ҳуқуқий ахборот алмашиш, икки давлат адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг эртаси куни Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

-Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида самимий муносабатлар мавжудлиги билан бир қаторда, ўзаро ҳамкорлик учун салоҳиятли даражада шартномавий - ҳуқуқий асослар яратилган, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 декабрь куни Молдова Республикаси Президенти Петру Лучинскининг юртимизга расмий ташрифи якунларига бағишланган матбуот анжуманида.

«Туркистон - пресс» НААнинг тарқатган хабарида айтилишича , Ўзбекистон ва Молдова ўртасида ўтган вақт оралиғида 30 дан зиёд давлатлараро ва ҳукуматлараро битимлар имзоландики, бугунги кунда бу ҳужжатлар икки томонлама манфаатли алоқаларимизни рўёбга чиқаришга яқиндан хизмат қилмоқда. Ўтган йили икки мамлакат ўртасида маҳсулот айрибошлаш ҳажми 9 миллион долларга етганди. 1998 йилнинг тўққиз ойи бўйича бу кўрсаткич 5,8 миллион доллардан кўпроқ миқдорни ташкил қилди. Ўзбекистон раҳбари ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги кўлами Ўзбекистон ва Молдованинг мавжуд имкониятларига, икки давлат салоҳиятига мос эмас деб ҳисоблайди.

Айни пайтда мамлакатимизда Молдова сармоялари иштирокида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бешта корхона фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот анжуманида, шунингдек, икки мамлакатнинг бир қанча халқаро масалалар бўйича қарашлари яқин эканлиги таъкидланди. Жумладан, Ислом Каримовнинг қайд этишича, МДҲ таркибида суверен давлатларга устунлик қилиш ваколатига эга тузилмалар бўлишига ҳар икки мамлакат ҳам бирдек қаршидир. Шунингдек, Ўзбекистон ва Молдова Ҳамдўстликнинг ҳарбий-сиёсий блокка айлантирилишини мутлақо истамайдилар.

Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински ўзаро музокаралар натижасидан қониқиш ҳосил қилганлигини изҳор этди. Ўзбекистон эришган муваффақиятларни катта мамнуният билан эътироф этар экан, сизлардан ўрганадиган нарсаларимиз кўп, деди Петру Лучински.

Молдова Президенти ўз мамлакатининг Шарқ сари йўлида Ўзбекистон унга содиқ дўст, ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр шерик мамлакат ҳисобланганидек, Ўзбекистоннинг Европага интилишида Молдовадек яқин дўсти ва ҳамкори бор эканлигини алоҳида қайд этди.

Расмий ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари Ислом Каримов ва Петру Лучински Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида Декларацияга қўл қўйдилар.

ҲАР ЖАБҲАДА МАСЪУЛЛИК ЗАРУР

Маълумингизким, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик ва идора раҳбарлари, шаҳар ҳамда туман ҳокимлари иштирок этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига эришиш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф эта бориш ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг муҳим шартларидир. Ислом Каримовнинг нутқида ана шу ҳаётий масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

Юртбошимиз Тошкент вилоятида ислоҳотлар туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигини, бу унинг мамлакатда тутган мавқеига салбий таъсир кўрсатажагини таъкидлаб ўтди.

Шу жумладан халқ таълими тизимида ҳам ечимини кутаётган муаммолар анчагина.

—Ёш авлодни ўқитиш, камол топтириш, уларни билимдон, юқори малакали мутахассислар, Ватанимизнинг муносиб фуқаролари қилиб вояга етказиш нақадар долзарб вазифа экани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, *— деди мамлакатимиз раҳбари. —* ***Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди ва уни босқичма-босқич амалга ошириш борасида муайян ишлар бошлаб юборилди. Тошкент вилоятида бу муҳим соҳанинг аҳволи қандай? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ. Кичик ёшдаги болаларни боғчаларга жалб этиш 21 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда янги боғчаларни очиш у ёқда турсин, 150 та боғча ёпиб қўйилганини қандай изоҳлаш мумкин? Мавжуд 893 та мактабнинг 44 таси авария ҳолатида, 420 таси мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Жорий йилда фойдаланишга топширилган 8 та мактабнинг жиҳозлар билан таъминланиш даражаси 34 фоизни ташкил қилади, холос. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилар етишмайди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Миллий дастурга биноан, ҳар бир шаҳар, туман ҳокимлари ўз ҳудудларининг маҳаллий шароитларидан, ишлаб-чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли соҳалар бўйича ҳунар-касб коллежларини ташкил қилишлари лозим,*** *деди юртбошимиз. Афсуски, маҳаллий ҳокимларда изланувчанлик, ташаббускорлик етишмаяпти. Наҳотки, улар бу хайрли иш замирида ўз ҳудудларидаги ишлаб чиқаришнинг истиқболи, айниқса ёшларимизни касб-ҳунар билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, минглаб ёшларимизнинг тақдири, келажаги мужассам эканини англаб етмаса?*

Мактаб, ундаги муаммолар ҳақида гап борганда бундан буён илм даргоҳини замонавийлаштиришда «раҳбарлардан ёрдам сўраш» деган тушунчани онгимиздан чиқариб ташлашимизни, бу ишлар ҳокимлар ва раҳбарларнинг бурчи эканлигини Президентимиз алоҳида таъкилади.

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» компанияси бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Уммат Маматқулович Мирзақулов Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинланди.**

• **15 декабрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Шоисломов Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцинга ишонч ёрлиғини топширди.**

• **16 декабрдан 17 декабрга ўтар кечаси АҚШ ҳамда Буюк Британия томонидан Ироққа очилган ҳаво ҳужумини Хитой, Россия каби давлатлар «бир ёқлама ташланган қадам» сифатида қоралаётган бир пайтда Япония, Испания, Канада эса бу «қадам»ни қўллаб-қувватламоқда.**

• **Латвия Сейми (парламенти) Европа Иттифоқининг Венада бошланган саммити иштирокчиларидан келаси йилда Латвияни ушбу ташкилотга қабул қилишларини сўраб, бу борада музокараларни бошлашга чақирди.**

• **Қирғизистонда ҳибсга олинган юқори лавозимлардаги амалдорлар коррупцияда, давлат маблағларини талон-тарож қилганликда айбланмоқда.**

УЧИБ БОРАЁТГАН ТУЛПОР

ЁХУД РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАЪЛИМ КЎРИГИ

Ўзбекнинг миллатпарвар шоири Чўлпон

Ҳуррият бўлганда сен
келдинг
Минайин семирган отга деб

— деган сатрларида от сўзини маърифатга менгзаган. «Нега шундай» деган савол хаёлимдан кетмасди. Ростанам: нега энди шоир маърифатни айнан отга ўхшатган? Кейинчалик англадимки, бу ўхшатиш айни қойим тушган экан. Зеро, тараққиёту тамаддун етовида бўлган маърифат, маориф, таълим ҳамиша илгарига елиб боради. Бир жойда депсиниб қолмайди.

Шу боис кечаги ўқитувчи билан бугунги муаллим, ўтган кунлардаги талаба билан бугуннинг ўқувчиси ўртасидаги фарқ осмон билан ерчалик бўлмасада, ҳартугул шунга яқин.

Дейлик, кечаги муаллим бугунги кун ўқувчисига дарс ўтди. Дарсдан икки томон ҳам қониқмай чиқади. Муаллим ўзига-ўзи дейди:

— Намунча бетгачопар. Билағон. Шунчалик доно экансан, дарсга кириб нима қиласан?!

Ўқувчининг кўнглидан кечганлари:

— Унинг қуруқ маърузасини бошимга ураманми? Мен ҳам фикримни билдиришим керакку?! Агар мушоҳадага ундамаса, муаллимга не ҳожат? Дарсни китобдан ҳам ўқиб олавераманда!

Хуллас, шундай ёки шунга яқин ўй-кечмишлар хаёлидан кечади.

Ушмундоқ тафсилотлардан муддао шуки, таълим замона билан ҳамқадам бўлиб, ҳамиша ўзгариб боради, тараққиётга юз тутади. Ундан ортда қолган ўқитувчи «кечаги»га айланиб қолиши шубҳасиз.

«Йил ўқитувчиси» танловининг ўтказилишидан кўзланган ният ҳам шу – бугунги кун ўқитувчисини аниқлаш.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган бу танлов қанчадан-қанча моҳир муаллимларни юзага чиқарди. Ўқитишнинг турлик-турлик услубларини намоён қилди. Куни кеча якун топган навбатдаги танлов ҳам ўша анъаналарнинг тадрижий давоми бўлди, назаримизда.

Хўш, «Йил ўқитувчиси – 98» республика кўрик-танлови иштирокчилари ўзларининг дарс ўтиш усуллари ва шаклларини қандай ва қай тарзда намойиш қилишди? Улар Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчилари меҳрини қозона олдиларми? Назаримизда, илғор муаллимларнинг иқтисодий иқтидорини баҳолаш, дарс усуллари ва тажрибалари даражасини аниқлаш бир қадар қийин кечди. Негаки, тошкентлик Бибисора Ҳасанова ва бухоролик Шуҳрат Мирхоновларнинг турли дарс усулларидан фойдаланишлари, жиззахлик Шарофат Эрмонованинг дарсда тест саволларидан унумли фойдаланиши, қорақалпоғистонлик Рустам Худойберганов нинг ўғил-қизларни мустақил фикрлашга чорлай билиши, сурхондарёлик Насиба Қодировани нг бошланғич синф ўқувчилари учун дам олиш бекатлари жорий қилиши, пискентлик

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

МУАЛЛИМ ИХТИРОСИ

Шаҳрисабзлик муаллим Абдужаббор Чориевнинг шогирдлари билан бирга яратган «автомат бешик» ва хона ҳавосини тозалайдиган мосламалари Ўзбекистон ихтирочилик ва рационализаторлик бюросида тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга йўлланма олганди. Яқинда эса, ихтирочи ўқитувчи яратган кема модели республика танловида ғолиб топилди. Абдужаббор Чориев бу ихтироси билан Парижда бўлиб ўтадиган халқаро ихтирочилар танловида қатнашадиган бўлди.

ЯНГИ ОҚСИЛ АНИҚЛАНДИ

Тель-Авив университети профессори Илана Гозес ва Америка Миллий саломатлик институти доктори Юреннеманнинг биргаликдаги кашфиёти тиббиётчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Олимларнинг кашфи шундан иборатки, улар инсон бош мияси ҳужайраларини шикастланишдан ва нобуд бўлишдан сақловчи, нерв ҳужайраларини фаол равишда ҳимоя қилувчи янги оқсилни аниқлашга муваффақ бўлдилар.

ТОМОША СЕМИРТИРАДИ

Гарвард университети олимлари олти минг нафар турли ёшдаги одамлар ўртасида тажрибалар ўтказиб, қуйидаги хулосага келдилар. Бир кеча-кундузда уч соатдан ортиқ телевизор томоша қилган одамнинг оғирлиги ортиши тезлашади. Айниқса, бу жараён 18 ёшдан 26 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида кескин билинади.

СИЁСАТ ВА ТАНОВУЛ

Ажабланманг, польшалик мутахассислар кишининг тановул қилаётган овқати билан унинг сиёсий қарашлари ўртасида боғлиқлик топишди. Маълум бўлишича, польшалик демократлар бугда пиширилган ва дуллаган таомларни хуш кўришаркан. Мева-сабзавотларни либераллар, картошка ва ун маҳсулотларини деҳқонлар партияси вакиллари севиб истеъмол этар эканлар. Дуч келган нарсани, айниқса, арзон овқатларни яхши кўрадиган одам Польшада ҳануз ўз ғоясига содиқ қолган коммунистлардир.

ТАЖРИБАСИНОВ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

2-БЕТ

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини ўрганиш бўйича махсус курс ДАСТУРИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини ўрганиш бўйича махсус курс дастурини тайёрлади.

Ушбу дастур Республика Президенти девонидаги мутасадди ходимлар ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, шунингдек, Республика таълим маркази қошидаги тарих ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш маркази томонидан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими МАРКАЗИ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

(3-саҳифага қаранг)

«ИҚБОЛ КЕЛАРМИКАН БИЗНИНГ ЭЛЛАРГА...»

4-БЕТ

УЧИБ БОРАЁТГАН ТУЛПОР

ЁХУД РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАЪЛИМ КЎРИГИ

(Боши 1-бетда)

Мунаввар Ҳамидованинг мавзуларни замонга боғлаб таҳлил этиши кўпчиликда ҳайрат уйғотди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича тест синовларини, ижодий ишларини, компьютер саводхонликларини, шунингдек, биринчи ва иккинчи тур топшириқлари шартларига берилган жавобларини ўрганиб чиқдилар. Асосий эътибор дарс мазмунига, ўқитувчининг методик маҳоратига қаратилди. Шу каби тамойилларга кўра, Бибисора Ҳасанова бунёдкор ўқитувчи, Шуҳрат Мирхонов изланувчан ўқитувчи, Роҳатой Саидова энг фидойи ўқитувчи, Рисолат Ҳотамова энг зукко ўқитувчи, Гулчеҳра Маманбоева энг жозибали ўқитувчи, Зумрад Ниёзова энг ёш ижодкор ўқитувчи, Ҳабиба Орипова ташаббускор ўқитувчи, Мунаввар Каримова болаларнинг суюкли ўқитувчиси, Маърифатхон Жаҳонгирова ширинсухан ўқитувчи, Мунаввар Ҳамидова матонатли ўқитувчи, Рустам Худойберганов шеърият шайдоси, Чашминиса Абдуллаева гўзаллик шайдоси, Шарофат Эрманова маҳоратли ўқитувчи, Насиба Қодирова мўъжизакор ўқитувчи номларига муносиб деб топилди.

Эндиликда ўқитувчининг бирор чет тилини билиши ҳам заруратга айланмоқда. Бу фикрни «Устоз» республика жамғармаси ижрочи директори Абдужаббор Абдувоҳидов, директор муовини Абдунаби Пардаев иштирокчилар билан учрашувда қайта-қайта эслатишди. Чунки «Устоз» жамғармаси бирор чет тилини билган илғор ўқитувчини хорижга тажриба алмашишга юбориш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев барча иштирокчиларга вазирлик совғаларини топшириб қутлар экан, танлов мақсадига аниқлик киритди: мақсадлар яратган янгилик ва илғор тажрибаларни мактабга олиб кириш. Вазир сўзи охирида янги иш усуллари яратган бу ўқитувчиларнинг барчасини «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланишганини эълон қилганида зал олқишларга тўлиб кетди.

Эксперт гуруҳи аъзоси, Қўқон шаҳридаги 10-мактаб муаллимаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Манзурахон Мадалиева ҳам танлов қатнашчиларини бу улуғ, саодатбахш кун билан қутлаб, дил сўзларини изҳор этди.

Кўрик - танловнинг танатанали қисмида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси «Олтин мерос», «Соғлом авлод», «Камолот» жамғармалари, вакиллари ҳам иштирокчиларни қиммат-баҳо совғалар билан тақдирладилар.

Асқар ШОКИР,
Қурбонбой МАТКУРБОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари

Суратларда: Танлов жараёнидан лавҳалар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

МАШҒУЛОТЛАРДА ҚАНДАЙ УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАЯПСИЗ?

Биз кўрик-танлов жараёнида «Йил ўқитувчиси - 98» беллашуви иштирокчиларига «Муаллимлик касби ва устозлик салоҳияти ҳақида нималар дея оласиз?», «Муаллим ва ўқувчи бир-бирларини англашларида Сиз қандай омилларга таянасиз?», «Ноанъанавий дарс, ўқитувчи ижодкорлиги муаллимлик фаолиятингизда қай тарзда акс этмоқда?» каби саволлар билан мурожаат қилдик. Улар саволларимизга бажонидил жавоб қайтаришди.

ЎЗЛИГИМИЗНИ ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТАЁТИРМИЗ

Гулчеҳра МАМАНБОЕВА, Гулистон шаҳридаги хорижий тиллар лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:

—Ўқитувчи... Оллоҳ бу касб эгаларига фазилатларини улашаётганда одобни ҳам, матонатни ҳам, меҳрни ҳам, виждонни ҳам, сабр ила бардошни ҳам мўлроқ берган экан. У сермашаққат, аммо сермазмун, денгиз тўфонларини тинчлатгудек қудратли касби билан фахрланади, ҳурмат топади, бойу бадавлат бўлади. Назаримда, уларнинг давлати миллион-миллион қора кўз ўқувчилари десам янглишмайман.

Ўқитувчи билан ўқувчи бир-бирларини англашларида билимдонлик, ширин сўзлилик, диққат-эътиборлилик, зукколик фазилатлари муҳим аҳамият касб этади. Машғулотларда турли-хил дарс усулларини қўллаш, айниқса, «Анкета» ўйинларини ўтказиш ўқувчиларнинг ички ва ташқи оламини, қизиқиш ва истакларини билиб олишга анча ёрдам беради.

Гап яна ўқитувчилик касби маданиятига бориб тақалар экан, авваламбор, меҳнатга тўғри ва ижобий муносабатда бўлишимиз, фанни чуқур билиб, педагогик маҳоратга эга бўлишимиз, ташаббускор, яъни ўз янгиликларимизни мактабларга сингдира олишимиз керак.

Ноанъанавий дарс — ўқитувчи ижодкорлиги, ўқувчининг мустақил фикрлаш доираси шаклланадиган кичик устахона. Мен 13 йиллик педагогик фаолиятимда дарснинг ушбу шакллари устида қатор ишлар олиб бораяпман. Мазкур дарсларимда шеър ила куй доимо бирга келади: инсоннинг биринчи эшитган қўшиғи алладан бошлаб, марсиялару маросим қўшиқларини ўқувчилар ижро этадилар ва таҳлил этишади. Ноанъанавий дарсларимда ўқувчи дарсга илмий ёндашади: ҳарфлар, товушлар, сўзлар, гаплар инжуси ҳақидаги қонун-қоидаларни турли йўналишларда ҳал қила оладилар. Дарсларда тасвирий санъат асарларини шарҳлашади, бадиий сўз намуналари ва воқеаларни мўйқалам билан изоҳлайдилар. Мен эса, дарсларимда ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишларига имкон яратиб бераман.

Она тили ва адабиёт дарсларимда ҳам ноанъанавий дарс турлари устида иш олиб борар эканман, ўз услубий йўналишимни, мақсад ва вазифаларимни белгилаб оламан. Шу асосда она тили дарсларида ўйин, «Анкета», «Шеър ва куй», «Саёҳат», «Нафосат», «Хаёлот», «Шарҳлаш», «Олам ва биз» каби ўттизга яқин дарс турлари юзага келди. Ушбу ноанъанавий дарс турларини уюштиришдан мақсад — ўқувчининг мустақил фикрлаш доирасини ўстириш. Зеро, мустақил фикрлай олган ўқувчи ўзлигини билади, атроф оламни яхши идрок эта олади.

САЛОҲИЯТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ – МАҲОРАТ

Ҳабиба ОРИПОВА, Яккабоғ туманидаги 1-лицей-интернатнинг тарих фани муаллимаси:

— Устозлик салоҳиятининг муҳим бир шарти педагогик маҳорат, деб ўйлайман. Ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратини ошириб бориши учун тинимсиз ишлаши, изланиши лозим. Тажрибали ҳамкасблари билан фикр алмашишлари ва дарсларни кузатишлари, менимча, яхши натижалар беради.

Ўқитувчи устозлик салоҳиятига эга бўлиши учун дарсда, дарсдан ташқари пайтларда, умуман ҳамма жойда, ҳамма вақт майин гапирадиган, юзида ним табассум бўладиган, бирон нарсадан норози эканлигини ошкора этмайдиган, мактабда, кўчакуйда, маҳалла ва уйда ўзини бир хил тутиб юрадиган инсон бўлмоғи керак.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи талабчан ва қаттиққўл бўлмоғи лозим деб ҳисоблайман. Шу билан бирга у баъзан учраб турадиган кўнгилсиз воқеаларни тез унутиб юборадиган, кечиримли бўлмоғи лозим. Менимча, ана шу омиллар ўқитувчи билан ўқувчини бир-бирига нисбатан самимий муносабатда бўлишларига ва бир-бирларини яхши тушуниб олишларига ёрдам беради. Мен кўпроқ юқори синф ўқувчилари билан ишлаганим учун, уларга худди катта ёшдаги кишиларга муомала қилгандай муомала қиламан.

Ўқитувчи ўқувчининг ота-онаси ёки ўзини шаънига нисбатан доимо яхши фикрларни билдириб туриши лозим. Ахир, доно халқимиз айтади-ку; «Ёмон одамни яхши деб, тез-тез айтиб турса, ёмон одам ҳам яхшилик томонга ўзгаради», — деб. Бу эса ўқувчининг ўқитувчига нисбатан янада ҳурматини оширади. Ўқитувчининг обрўси эса ўқитувчи орасидаги масофани сақлаб туради.

Ўқитувчи баъзи дарсларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган афсоналар, китоблардаги қизиқ ривоятлар, ҳаётда учраб турадиган воқеалар ҳақида гапириб бериб турса, ўқувчида шу ўқитувчига нисбатан қизиқувчанлик ортади. Ўқитувчи ўқувчининг шахсий ҳаётига келажак учун тузган режасига, ким бўлмоқчи, қандай яшамоқчи эканлигига қизиқса, уларнинг бир-бирларини англаши янада осон бўлади.

Ўз фанини севган ўқитувчи доимо шу фанни реклама қилиши, яъни болаларда шу фанга қизиқиш, ҳавас уйғота олиши лозим.

Ўқитувчи шундай дарс ўтиш усулларини ўйлаб топиши лозимки, ўқувчи навбатдаги дарсни орзиқиб кутсин, энг қийин мавзуларни ҳам осон ўзлаштирсин. Аввало, ўқувчи дарсда ўзини эркин сезсин, ўз фикрини иккиланмай баён қилсин. Агар хатолари бўлса ҳам, ўқитувчи унинг сўзини бўлмай, охиригача тингласин. Агар хатолари бирдан айтилса, ўқувчи сўзини бирдан йўқотиб қўйиши мумкин. Хатолар эса кейин қолган ўқувчилар унинг билан биргаликда тўғриланади, натижада ўғил-қизлар ҳам фаоллашади.

Ижодкор ўқитувчи машғулотларда, албатта, ноанъанавий ўтиш усулидан фойдаланади. Мен ҳам кўпинча тарих, ҳуқуқшунослик дарсларимда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланаман. Масалан, Ўзбекистон тарихи дарсларида «Қатағон йиллари», «Истиқлолчилик ҳаракатлари», ҳуқуқшунослик дарсларида эса «Жиноят ва жазо», «Оила ва никоҳ», «Ота-оналар ва фарзандлар бурчлари» ҳақидаги мавзуларга доир дарсларни саҳна кўринишлари орқали ўтаман. Бундай театрлашган дарслар, албатта, ўқувчи хотирасида ўчмас из қолдиради.

Ноанъанавий усулдан фойдаланган ҳолда юқори синфларда дарс ўтишнинг маъруза, амалий машғулотлар, савол-жавоблардан ташқари ўйин усулида ҳам ўтса бўлади. Бунда синф ўқувчилари тенг икки гуруҳга бўлинадилар...

Хулоса қилиб айтганда, ижодкорлик таълим-тарбия ишларини яхшилайди. Ҳар бир ўқитувчи ижодкор бўлмоғи, ёшларни келгусида чинакам инсонийлик туйғусига эга қилмоғи, аҳлан ва жисмонан соғлом авлод қилиб етиштирмоғи лозим.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Манзурахон МАДАЛИЕВА, Қўқон шаҳридаги 10-мактаб муаллимаси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

—Очиғи, бугунги кўрик-танловда илғор ўқитувчиларнинг маҳоратлари тўла намоён бўлди. Айниқса, хоразмлик қизимиз Роҳатой Саидованинг 40 кунлик чақалоғи билан беллашувга келишининг ўзи бир жасорат. Келгуси йили бу танлов нуфузини янада ошириш лозим. Аниқроғи, кўрик-танлов низомига ўқитувчилар ижодкорлигини баҳолайдиган бўлим киритилса, нур устига нур бўлади.

Мавлуда ҚАЮМОВА, ўқитувчи:

— Назаримда, «Йил ўқитувчиси» республика кўрик-танловига келаётган муаллимнинг иш стажи камида беш йил бўлиши керак. Чунки у шу давр ичидагина ўқитувчилик касби сир-синоатларини эгаллай олади... Ундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида бу нуфузли танлов атрофлича ёритилмади. Демоқчиманки, «Ахборот», «Давр», «Даракчи» кўрсатувлари маҳорат кўригини бир неча гап билан тилга олиб ўтишлари лозим эди. Қисқаси, бу йил тарғибот-ташвиқот ишлари яхши бўлмади.

Эшқул ЭРГАШЕВ, ўқитувчи:

— Муаллимлар бағри кенг, оққўнгил инсонлар сирасига киради. Шу хислатлари боис, улар кўрик-танловнинг биринчи босқичида юз берган баъзи камчиликларни рўйи-рост айтишга истиҳола қилдилар. Гап шундаки, «Наврўз» кошонасида бўлиб ўтган биринчи турда тележурналистлар ўқитувчиларни роса уч соат кутдириб қўйишди. Устига устак уларнинг бир вазиятни такрор-такрор ёзиб олишлари барчанинг диққатини ошириб юборди. Табиий савол туғилади: телевидение ўқитувчига хизмат қилиши керакми, ёки ўқитувчи телевиденияга?... Кейинги тадбирларда бундай асаббузарликлар такрорланмаслиги лозим.

ТАЖРИБА-СИНОВ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Tahlil

Истиқлолга эришган мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар халқ таълими тизимини, жумладан, умумий ўрта таълим мазмунини давр нуқтаи назаридан янгилашни тақозо этмоқда. Бундай янгиланиш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилмоқда.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш кўзда тутилган.

Давлат таълим стандартининг бош мезони - бу таянч ўқув режасидир. Халқ таълими Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тажриба-таянч ўқув режасида белгиланган ҳар бир ўқув фанидан давлат таълим стандарти лойиҳалари асосида таянч ўқув режасида ажратилган дарс соатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқув фанидан синов дастурлари яратилди.

Таълим тизимини янгилашнинг яна бир томони - бу ўқувчилар билимини назорат қилишнинг кўп балли рейтинг усулига ўтишдир. Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган «Умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблари) ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида» Низом лойиҳаси «Маърифат» газетасининг 1998 йил 26 август сонида эълон қилинган.

Янгиланган таълим мазмунининг ҳаётда тўлақонли ўз ўрнини топиб, кутилган натижаларни бериши учун тажриба-синовдан ўтказилиши, синов натижалари асосида такомиллаштирилиши, ундан кейингина амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ равишда умумий ўрта таълим мактаблари учун ишлаб чиқарилган тажриба-таянч ўқув режаси, давлат таълим стандарти лойиҳалари, синов ўқув дастурлари ҳамда баҳолашнинг рейтинг усули ушбу ўқув йилида тажриба - синовдан ўтказилмоқда.

Ҳукумат Қарори билан республикадаги 24 та мактаб тажриба-синов майдони сифатида белгиланиб, уларнинг ҳар бирида биттадан ўқув фани бўйича синов ишлари олиб борилмоқда. Тажриба синов натижаларининг ишончлилик даражаси юқори бўлиши учун синов майдонлари сифатида барча шароитлар муҳайё, моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланган мактаблар эмас, балки шароити ўртача бўлган мактаблар танланди. Бунда асосий мезон тариқасида синов ишларини олиб бора оладиган маҳоратли ўқитувчилар эксперименатор сифатида жалб қилинди.

Тажриба-синовга тайёргарлик даврида эксперименатор ўқитувчиларга давлат таълим стандарти лойиҳаси, синов ўқув дастури, дарсларни режалаштириш, дарс ишланмалари, тест топшириқлари ва бошқа услубий материаллар етказиб берилди. Мактабларни зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ва синов ишларини ўтказишга маҳаллий ҳокимият ва халқ таълими бошқармалари жалб қилинди.

Ўқув фанлари бўйича яратилган таълим стандартлари лойиҳалари синов дастурлари орқали тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун таълим стандарти асосида тузилган синов ўқув дастури бўйича ҳар бир дарс мавзуси синалаяпти. Мавзу давлат таълим стандартига мувофиқ келиши, ўқувчилар ёшининг психофизиологиясига мослиги, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражаси ва сифат кўрсаткичи мавзуни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан эксперименатор ўқувчиларнинг таклифлари аниқлаб борилаяпти. Ўқувчилар билимини назорат қилишда «Маърифат» газетасида эълон қилинган рейтинг усули қўлланилмоқда.

Тажриба - синов жараёнини мувофиқлаштириб туриш, вужудга келган муаммоларни ҳал қилиб бориш мақсадида халқ таълими Вазири Ж.Ғ.Йўлдошев раҳбарлигида илмий-амалий семинар фаолият кўрсатмоқда. Синов майдонларидан олинган натижалар Т.Н.Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошида ташкил этилган «Умумий ўрта таълим давлат стандарти ва ўқув дастурларини синаш Ахборот маркази»га юборилмоқда.

Ҳар бир ўқув фани бўйича олинган тажриба-синов натижалари институтнинг тегишли тадқиқот бўлимлари, олимлар, услубиётчилар ва бошқа мутахассислар иштирокида таҳлил қилиниб, умумлаштириб борилмоқда.

Ўтказилаётган синов ишлари жараёнида вужудга келган муаммоларни аниқлаш, синов майдонларига илмий ва услубий ёрдам бериш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Тошкент, Фарғона, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида тажриба-синов иштирокчиларининг минтақавий семинар кенгашлари ўтказилди. Мазкур вилоятларда ўтказилган анжуманларда қўшни вилоятлардаги синов майдонларининг иштирокчилари ҳам қатнашдилар. Семинар-кенгашларда ҳар бир синов майдонида олиб борилаётган тажриба синов жараёни ва чорак натижалари муҳокама қилиниб, тегишли хулоса чиқарилди.

Ўқув йилининг чораги бўйича эксперименатор ўқитувчилардан олинган натижалар, тажриба-синов майдонлари илмий раҳбарларининг ҳисоботлари, экспертларнинг хулосалари, олимлар, услубиётчилар ва жамоатчилик билдирган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар Ахборот марказида умумлаштирилиб, ҳар бир ўқув фани бўйича хулоса ҳамда таҳлилнома-жадвал тайёрланди. Умумий ўрта таълим давлат стандарти ва ўқув дастурларини тажриба - синовдан ўтказишнинг чорак натижалари юзасидан тайёрланган хулоса ва таҳлилнома - жадвал Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига тақдим этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тажриба-синов майдони сифатида белгиланган мактабларда олиб борилаётган синов ишларининг дастлабки натижаларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин:

— умумий ўрта таълим давлат стандарти ва ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш жараёни режаштирилганидек кетаяпти;

— барча ўқув фанлари бўйича синов дастурларининг 1 чоракка мўлжалланган мавзулари ўзлаштирилди. Бу шуни кўрсатадики, тажриба-таянч ўқув режасида ажратилган дарс соатлари ҳар бир ўқув фанига мувофиқ келмоқда;

— ҳар бир ўқув фани бўйича синов дастури асосида ўтилган дарс мавзулари давлат таълим стандартларига мос келади;

— синов дастурларини ўзлаштириш даражаси 100 балли рейтингда ўқув фанлари бўйича ўртача 78 баллни ташкил этди. Бу эса амалдаги дастурлар бўйича ўқитилгандан 7 балл юқори эканлигини кўрсатмоқда;

— ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг усулини қўллашда айрим қийинчиликларга дуч келинди. Кўпчилик эксперименатор ўқитувчиларининг фикрига кўра, «Маърифат» газетасида эълон қилинган рейтинг усули бошқа рейтинг усулларига қараганда бирмунча маъқул бўлиб, уни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Лекин уни тўлиқ қўллашда ҳисоб-китоб ишлари учун ўқитувчилардан кўп вақтни олади. Мазкур рейтинг тизимини соддалаштириш, республиканинг барча мактабларига жорий этиш мумкин.

Тажриба синов ишлари ҳақида сўз юритилар экан, бу борада намуна сифатида кўрсатиш мумкин бўлган тажриба-синов майдонлари, уларнинг илмий раҳбарлари ва эксперименатор ўқитувчилар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Бундай тажриба-синов майдонларидан бири Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 2-мактабдир. Бу мактабнинг 6-9-синфларида биология ўқув фани бўйича синов ишлари олиб борилмоқда. Август ойининг ўрталарида мазкур мактабда тажриба-синов майдонининг очилиш маросими - «Тақдимнома»си бўлиб ўтган эди. Унда мактабнинг моддий базаси етарли эмаслиги кўзга ташланган эди. Лекин қисқа муддат ичида тажриба-синов майдонининг илмий раҳбари, биология фанлари доктори, профессор А.Т.Ғофуров бошчилигида биология хоналари етарли даражада жиҳозланди, эксперименатор ўқитувчиларга методик тавсиялар, дарс ишланмалари, тест топшириқлари, дидактик материаллар етказиб берилди.

30 октябрда мазкур мактабда тажриба-синов майдонлари иштирокчиларининг минтақавий семинар-кенгаши ўтказилди. Биология хоналарининг талаб даражасида жиҳозланганлиги, эксперименатор ўқитувчи А.Шарипованинг иш фаолияти семинар -кенгаш қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди. Мактабда биология ўқув фанининг ботаника (6-синф), зоология (7-синф), одам ва унинг саломатлиги (8-синф), умумий биология (9-синф) курсларининг ҳар бири учун алоҳида хоналар ажратилиб, тажриба ва амалий ишлар ўтказишга зарур бўлган ўқув қуроллар ва асбоблар билан жиҳозланган. Тажриба-синов жараёнида эксперименатор ўқитувчи ҳар бир дарс мавзусининг давлат таълим стандартига мувофиқлик даражасини , ўқувчиларнинг ёшига қай даражада мослигини, ўзлаштиришдаги сифат кўрсаткичларни талаб даражасида аниқлаб бормоқда. Шу билан бир қаторда, ҳар бир мавзунинг осон ёки қийинлиги, ундаги камчиликлар ва уларни бартараф этишдаги ўз таклифларини ҳам баён қилмоқда. Бу эса таълим стандарти ва дастур муаллифлари учун катта ёрдам бўлмоқда. Қашқадарё вилоятидаги мазкур мактабда юқори савияда ўтказилаётган тажриба-синов ишларига маҳаллий ҳокимият ва халқ таълими бошқармаларининг амалий ёрдам бераётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Она тили (Бухоро шаҳридаги 9-мактаб), ўзбек адабиёти (Тошкент шаҳридаги 274- мактаб), давлат ва ҳуқуқ асослари (Андижон шаҳридаги 27-мактаб), математика (Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги 16-мактаб), физика (Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги 34-мактаб), одобнома (Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 23-мактаб) ўқув фанлари бўйича ўтказилаётган тажриба-синов ишларини ҳам талаб даражасида дейиш мумкин. Шу билан бир қаторда тажриба-синовни ўтказишда, синов натижаларини олиш ва Ахборот марказига етказишда айрим ўқув фанлари бўйича жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, давлат тили (Тошкент шаҳридаги 120-мактаб) ва рус тили (Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 1-мактаб) ўқув фанлари бўйича синов натижалари талаб даражасида олиб борилмаяпти, экспертларнинг фаолияти ҳам талабга жавоб бермайди.

Тажриба-синов жараёнларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва синов ишларини юқори савияга кўтариш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳар бир ўқув фани бўйича тажриба-синов майдонларидан олинган натижалар, олим, услубиётчи, жамоатчилик билдирган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар давлат таълим стандарти ва синов дастури муаллифларига етказилмоқда. Муаллифлар стандат ва дастурларни қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириб бормоқдалар. Шу зайилда ўқув йили охирида ҳар бир ўқув фани бўйича амалда синалган ва такомиллашган давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларига эга бўламиз.

Акбар БАҲРОМОВ,
Умумий ўрта таълим давлат стандарти ва ўқув дастурларини синаш Ахборот марказининг бошлиғи

«ФУЛБРАЙТ» ДАСТУРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

Таълим - аслида ҳаётга тайёрланиш. У тури, ўз доираси, муҳитига кўра фарқланади. Гап шундаки, мустақиллик йилларида таълим тизимимиз сифат жиҳатидан анчайин ўзгаришларга бой бўлди.

Инглиз тилида бемалол гаплаша оладиган Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабаларидан бир гуруҳи Темурийлар тарихи Давлат музейига тўпланишди. Улар иккинчи мутахассислик - маркетинг, менежмент, бизнес, бизнес этикаси бўйича маълум муддат америкалик профессор-ўқитувчилардан таҳсил олишди. Таҳсил «Фулбрайт» дастурига асосланган бўлиб, фақат инглиз тилида олиб борилди.

Ўзбекистонлик талабаларга иккинчи мутахассислик сертификатларини топшириш маросимини университет ректори, филология фанлари доктори профессор Жамолиддин Бўронов кириш нутқи билан очгач, ўзаро мулоқот инглиз тилида давом этди.

Хорижлик меҳмонлар — Майкл Тимки, Фатти Шэнкель Девид Байерзлар дастурнинг мустақил Ўзбекистон эртасига келтирадиган нафи хусусида тўхталдилар. Уларнинг фикрича, ўзбек талабалари билим даражаси, тафаккури жиҳатидан жуда юқори.

«Фулбрайт» дастурининг негизида Ўзбекистон ёшларини бизнес, менежмент, маркетинг соҳаларига яқинлаштириш мақсади ётганлиги кундек равшан. Бошқа соҳалардан фарқли жиҳати — дастур инглиз тилида. Талабалардан Омонжон Мўминов, Алишер Солиҳовлар бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларни билдиришди.

Сертификатларни америкалик мутахассислар тантанали суръатда топширишар экан, ўз навбатида мезбонлар ҳам уларни қуруқ қўйишмади. Меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ» АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАХСУС КУРС ДАСТУРИ

(Ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус ўқув юртлари учун)

КИРИШ

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб, ўзига хос, ўзига мос йўлдан дадил бормоқда. Истиқлолдан кейин ўтган етти йилни ўнлаб йилларга қиёслаш мумкин. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маънавий-мафкуравий асарлар тўплами —« Ўзбекистон буюк келажак сари» китобида мамлакатимиз халқи ҳаётидаги бу улкан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, Ватанимизнинг яқин келажакдаги ўрни ва роли ҳақида аниқ, дадил, доно фикрлар ўртага ташланган.

«Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда, - деб таъкидлайди муаллиф. -Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак».

Ўтган қисқа даврда йўлбошчимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг нақадар тўғрилиги амалда ўз ифодасини топди. Эндиликда бошқа кўпгина МДҲ давлатлари Ўзбекистон тажрибасини, юртбошимиз ўз асарларида аниқ кўрсатиб берган йўлни ўзларида амалга оширмоқдалар.

Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, унда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» сингари асарлари жамланган.

Тўпламни мутолаа қилган китобхон ўзини анчадан бери ўйлантираётган кўпгина саволларга аниқ жавоб топа олади. Уларда буюк келажак сари дадил олға бораётган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, чинакам ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалари баён этиб берилган.

Бундай китоб ҳар бир хонадонда, ҳар бир раҳбарнинг иш столида, кутубхонада, талабанинг қўлида бўлиши зарур. У Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга ўз иссасини қўшишга жазм қилган, фидойи, жонкуяр ва ватанпарвар инсонлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз китобда таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш бизнинг фуқаролик бурчимиздир».

Шу сабабли Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги ушбу китобни академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек ўрта умумтаълим мактабларининг 10-11 синфларида 16 соат миқдорида (10 соат маъруза, 6 соат семинар ёки савол-жавоб, мунозара) дарс ўтиш ҳақида буйруқ бердилар.

Ушбу дарслар факультатив ва ижтимоий-гуманитар фанларга ажратилган соатлар ҳисобидан ўтилади.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини ўрганиш бўйича со-

Дарс	Дарс мавзулари	маъруза дарси	семинар
1.	Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли	1	
2.	Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодини қуриш	1	
3.	Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли	1	
4.	Давлат-иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси	1	
5.	Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари		1
6.	Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида	1	
7.	Давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш	1	
8.	Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш	1	
9.	Юксак маънавият-келажаги буюк давлатнинг замини	1	
10-11.	Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари		2
12.	XXI аср бўсағасида минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм таҳдиди	1	
13.	Буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ аймоқчилик, экологик муаммолар	1	
14.	Миллий давлатчилик, демократик ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш		1
15.	Жўғрофий-стратегик имкониятлар ва инсон салоҳияти		1
16.	Кенг қўламда ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик		1
	Жами:	10	6

1-дарс. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи -ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши. Республикада демократик ҳуқуқий жамият асосларининг вужудга келтирилиши. Ўзбекистоннинг ташқи дунёга чиқиши. Мамлакатимиз тараққиётида ўз йўлининг шарт-шароитлари ва заминлари. Аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатлари. Республикамизнинг ўзига хос демографик вазияти, геостратегик мавқеи, табиий иқлим шароити.

Ўзбекистонда демократик ва ижтимоий адолат жамиятининг қурилиши. Сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар. Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат принциплари.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 5-36 бетлар.

2-дарс. ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИНИ ҚУРИШ

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсатнинг юритилиши. Ички сиёсатнинг негизи. Бозорга ўтишнинг муқаррарлиги ва унинг турлари. «Шок терапияси». Инсонларнинг ижтимоий ҳимояланиши. Ички иқтисодий стратегиянинг ҳар қандай сиёсий мафкурадан холи бўлиши. Давлат, унинг ҳокимият тузилмаларининг хўжалик фаолиятига аралашишдан четда бўлиши ҳақида.

Барча фуқаролар ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун шароитнинг яратилиши. Республика аграр сиёсатида ерга эгалик қилиш ҳақидаги масала. Қишлоқда бозор муносабатларини шакллантириш. Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласи. Иқтисодиётни барқарорлаштириш. Иқтисодиётнинг бир томонлама хом-ашёвий йўналишига барҳам бериш. Бозор иқтисоди шароитида юқори малакали маҳаллий кадрларни тайёрлаш масаласи.

Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари. Ўзбекистон халқлари ва умуминсоний қадриятлари. Миллий қадриятларга муносабат. Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон, 1998 йил, 36-65 бетлар.

3.Каримов И.А. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. «Тошкент оқшоми», 1998 йил 11 ноябрь.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. «Халқ сўзи» , 1998 йил 12 ноябрь

5. Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин. Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси А.Кўчимов билан суҳбат. «Маърифат», 1998 йил 14 ноябрь

3-дарс. ЎЗБЕКИСТОН—БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

XX аср охирида дунё жўғрофий-сиёсий тузилишидаги туб ўзгаришлар. Тоталитар тузумнинг инқирози.Мустақил давлатларнинг танлаб олган ижтимоий-иқтисодий йўли. Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислоҳотларнинг зарурлиги. Ижтимоий ларзаларсиз ислоҳот. Бошланғич даврдаги қийинчиликлар. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи шарт-шароитлар. «Муқобил ривожланиш» назарияси концепциялари. Тартибга солинадиган бозор. Бозор иқтисодига ўтишнинг инқилобий ва эволюцион йўли. Тартибга солинадиган бозорнинг турли хиллиги. «Америка», «Япон», «Француз», «Швед», «Немис» андозалари. Жануби-Шарқий Осиё андозаси. Ўзбекистон танлаган йўл ва унинг шарт-шароитлари. Жўғрофий-сиёсий мавқеи, табиий иқлим шароити, анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш, аҳоли таркиби, миллий таркиб, тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзи, этнопсихологик меъёрлар, элга яқинлик, томорқа хўжалиги.

Фойдали қазилмалар, қудратли қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, сайёҳликни ривожлантириш, транспорт ва алоқа тизими, илмий салоҳият, улкан ресурслар. Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бешта асосий қоидаси.

Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш-демократик ва бозор муносабатларининг асоси. Республикамизда бозор механизмининг ишлаб чиқилиши. Аралаш иқтисодиёт.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 67-112 бетлар.

4-дарс. ДАВЛАТ- ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА БОШ ИСЛОҲОТЧИСИ

Бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг бош ислоҳотчилиги. Бозорнинг давлат томонидан тартибга солиб турилиши. Давлат—аҳоли ҳимоячиси. Давлат томонидан асосий мақсад ва йўналишларнинг ишлаб чиқилиши. Ижтимоий муаммолар, бозор институтларини яратиш. Ишбилармонлик тузилмаларининг ривожи ва давлат.

Марказлаштирилган тартибда режалаштиришдан эркин иқтисодга ўтиш стратегияси. Бозор иқтисодига ўтиш қонунлари. «Фалаж қилиб даволаш» усулининг моҳияти. Кишилар тафаккурини ўзгартириш. Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш. Бозор иқтисоди қонунчилигини яратиш. Қонунларнинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги. Қонунларнинг таъсир кўрсатиш кучи. Қонунга бўйсуниш принципи. Қонун устуворлиги. Қонун олдида ҳамманинг тенг ҳуқуқлилиги. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши.

Бозор иқтисоди шароитига ўтишда ижтимоий сиёсатнинг вазифалари. Аҳолининг турмуш даражаси. Тақсимлаш принципидаги ўзгаришлар. Нарх-наво ва ижтимоий кафолат. Хайрия ташкилотлари. Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари. Тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Озиқ-овқатга давлат дотацияси. Меҳнатни рағбатлантириш. Соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларига ёрдам.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишда давлатнинг роли. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсат принциплари. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши. Ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуи. Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларнинг устувор йўналишлари. Экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Хорижий сармояларни жалб этиш, ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмлари мажмуи, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кадрлар тайёрлаш, маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 112-149 бетлар.

5-дарс. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ УСТУВОРЛИКЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ (семинар дарси)

Режа:

1.Иқтисодий ислоҳотлар занжирида аграр ислоҳотлар. Ерга мулкчилик масаласи.

2.Деҳқончиликни ривожлантириш.

3. Чорвачилик масалалари.

4. Давлат хўжаликларини қайта тузиш.

5. Ишчи кучларининг ортиқчасини саноатга жалб қилиш.

6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида давлат буйруқбозлиги масаласи.

7. Молия-кредит сиёсати.

8. Пул муомаласини тартибга солиш ва миллий пул бирлигининг муомалага киритилиши.

9. Ўзбекистон ва рубль минтақаси.

10. Хулосалар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекисон», 1998 йил, 149-174 бетлар.

6-дарс. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Дунёда Ўзбекистон обрўсининг ошиши. Ишлаб чиқилган тамойилларнинг ҳаёт синовидан ўтганлиги. 5 та тамойилнинг асосий мазмуни. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» иборасининг мазмуни. Орттирилган тажрибалар. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва саболқлари. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва йўлининг шакланиш механизми. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари. Биринчи босқичда ҳал қилинган иккита асосий вазифа.

Иқтисодиётни дастлабки ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари: ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асослари, кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, молия ва солиқ сиёсати, кредит-пул сиёсати, нарх-наво ва пулнинг қадрсизланишига қарши сиёсат, қишлоқ хўжалигида ислоҳот.

Иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий негизининг барпо этилиши. Янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиш ва унинг илгариги қонунлардан фарқи, қонунларда ўз халқимизнинг манфаатлари ифода қилиниши, иқтисодий ислоҳотда Ўзбекистон моделининг яратилиши, ислоҳотлар жараёнини бошқаришнинг яхлит ҳуқуқий тизими. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратишдаги энг муҳим йўналишлар: давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизи, мулкчилик муносабатларининг, хўжалик юритиш ва институционал ўзгаришларнинг, халқаро муносабатларнинг, фуқароларни ижтимоий кафолатлаш ва бошқаларнинг ҳуқуқий негизи.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

3.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 177-210 бетлар.

7-дарс. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мулкчилик масаласи бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги. Давлат мулки монополизмини тугатиш ва мулкни хусусийлаштириш соҳасида ўтказилган тадбирлар. Кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши. Хусусийлаштиришда Ўзбекистоннинг ўз йўли. Давлат мулкини янги мулкдорларга сотиш. Хусусийлаштиришга дастурий ёндашув ва босқичма-босқич амалга ошириш.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида аҳоли учун ижтимоий кафолатларни яратиш. Кичик хусусийлаштиришнинг тугалланиши. Савдони, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат, уй-жойларни хусусийлаштириш соҳасида ўтказилган тадбирлар.

«Кимошди» савдоси бўйича сотиш. Кўчмас мулк бозори. Кичик бизнес. Хусусий сектор. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда халқаро ташкилотларнинг иштироки. Аграр соҳани ислоҳ қилиш. Суғориладиган ерни тақсимлаш. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш. Республикада дон мустақиллигига эришиш учун кўрилган чоралар. Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш тадбирлари.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил

2.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 210-240 бетлар.

8-дарс.БОШҚАРУВНИНГ МАЪМУРИЙ БУЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИНИ ТУГАТИШ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ

Эски маъмурий буйруқбозлик тизимининг инқирозга учраши. Иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларнинг амалга оширилиши. Давлат кўмиталарининг янгидан ташкил этилиши.Янги банк тизимларининг шаклланиши. Иқтисодий тармоқларни ва айрим соҳаларни бошқариш тизимидаги ўзгаришлар. Институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва бошқариш тизимини ислоҳ қилиш натижасида дастлабки хулосалар.

Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар. Эскича нарх белгилашнинг инқирози. Гиперинфляциянинг моҳияти ва кўриниши. Нархларни эркинлаштиришда рақобатчилик муҳитини шакллантириш.

Бозор инфраструктурасида маҳсулот етказиб беришда давлат буюртмаси ва ишлаб чиқаришни фондлаштириш. Капитал бозорининг ишлашини таъминлаш. Молия ва пул кредитни тартибга солиш. Меҳнат бозорини вужудга келтириш. Ишсизлик муаммоси. Меҳнат биржалари.

Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш. Очиқ иқтисодий сиёсат. Хорижий мамлакатлар билан алоқалар. Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар. Уларнинг ҳуқуқий негизлари. МДҲ мамлакатлари билан муносабатлар. Хорижий сармояларни жалб этиш тамойиллари.

Ишончли ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши. Ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 241-299 бетлар

9-дарс.ЮКСАК МАЪНАВИЯТ-КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТНИНГ ЗАМИНИ

Маънавият-инсоннинг, халқнинг, давлатнинг куч-қудрати эканлиги.

Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-ахлоқий негизлари. Умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавий меросимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик.

Миллий маънавий руҳни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш-Ўзбекистон давлати ва жамиятнинг муҳим вазифаси эканлиги. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ҳамда тушуниб етишга асосланган-гандагина қудратли кучга айланиши.

Тарихий хотирасиз ҳар қандай давлатнинг келажаги йўқлиги. Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланганлиги мамлакатимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишида белгиловчи аҳамиятга эгалиги. Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлишлиги.

Маънавиятни мафкуравий ақидалардан халос қилиш. Миллий ўзликни англашни тиклаш, ҳур фикр, миллий мафкурани шакллантириш ва ривожлантириш масалалари. Давлат қурилиши, иқтисодий шароитларининг маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғунлиги.

Диннинг аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилувчи муҳим воситалардан бири эканлиги. Бизда диннинг давлат сиёсати, жамият учун кураш, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўйилмаслиги.

Дунёдаги демократик қадриятлардан баҳраманд бўлишда ва мамлакат истиқлолини таъминлашда аҳоли билимдонлигининг ўрни ва роли. Миллий уйғониш, миллий ўзликни англаш, миллат келажаги ва миллий кадрларни тайёрлаш. Анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гарови эканлиги.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 299-320,524-536 бетлар.

3.Каримов И.А. Юксак маънавият жамият тараққиётининг асоси. Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. «Халқ сўзи», 1998 йил 12 ноябрь.

4.Каримов И.А. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. «Тошкент оқшоми», 1998 йил 11 ноябрь.

5.Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин. Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси А.Кўчимов билан суҳбат. «Маърифат» , 1998 йил 14 ноябрь.

10-11-дарс. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИККИНЧИ БОСҚИЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(семинар дарслари)

1.Хусусийлаштиришни охирига етказиш, рақобатчилик муҳитини шакллантириш.

2.Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш.

3.Миллий валюта қадрини ошириш.

4.Иқтисодиётнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар қилиш.

5.Кучли ижтимоий кафолотни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон» , 1998 йил, 329-414-бетлар.

12-дарс. XXI АСР БЎСАҒАСИДА МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ТАҲДИДИ

XXI аср бўсағасида, дунёда, унинг жўғрофийсиёсий тузилишида ва ҳаракатида юз берган туб ўзгаришлар. Кучлар нисбати Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришларига боғлиқ эканлиги.

Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқиш заруриятининг вужудга келиши.

Марказий Осиё минтақасида тўпланиб қолган муаммолар, улар ечимининг минтақада жўғрофийсиёсий мувозанатни ва барқарорликни таъминлашга боғлиқ эканлиги.

Мамлакатимиз, миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигига, янгиланиш ва тараққиёт йўлига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлига солинаётган таҳдидлар.

Афғонистон можаролари, унинг чуқурлашиб, кескинлашиб бориши. Тожикистон можароси: келиб чиқиши, кескинлашиши. «Ажратиб юборилган халқлар» муаммоси.

Афғонистон ва Тожикистон можароларининг Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг тараққиётига салбий таъсири.

Ўзбекистоннинг амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолиши. Афғонистон ва Тожикистон можароларининг Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таҳдиди.

Чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, минтақавий можароларнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясининг асосий йўналишларидан бири эканлиги.

XX аср охирида диний қадриятларнинг уйғониши. Ислом маънавиятига қайтиш, ислом омилининг ўсиши. Ислом динининг минг йиллар давомида инсон табиатида чуқур илдиз отганлиги ва жамият ҳаётининг бир қисми бўлиб қолганлиги. Жамиятда дин, диний тасаввурлар билан бирга дунёвий фикрлар, дунёвий турмуш тарзининг ёнма-ён яшаб келганлиги.

Дин ва сиёсат. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг моҳияти, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар. XXI аср бўсағасида дунёда диний экстремизм ва фундаментализмнинг кучайиши.

Ўзбекистонда динга, ислом динига янгича муносабатларнинг қарор топиши. Давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари, динга, диндорларга нисбатан давлат муносабатининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон хавфсизлигига ислом фундаментализми солаётган таҳдид.

Ислом фундаментализмини келтириб чиқарувчи, рағбатлантирувчи ташқи сабаблар. Ислом дини, ислом маънавияти, турмуш тарзи тўғрисидаги зиддиятли фикр ва муносабатлар. Диний фундаментализм хавфининг олдини олиш, турли маданиятли халқларнинг ёнма-ён, тинч яшашларига шароит яратиш учун курашда Ўзбекистоннинг ўрни.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон» , 1997 йил, 3-48 бетлар.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 417-453 бетлар.

13-дарс. БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ, АГРЕССИВ МИЛЛАТЧИЛИК, КОРРУПЦИЯ ВА ЖИНОЯТЧИЛИК, МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ВА УРУҒ-АЙМОҚЧИЛИК, ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг тарихи, унинг келиб чиқиш сабаблари. Буюк давлатчиликнинг намоён бўлиш шакллари. Унинг ифодачилари.

Ўзбекистоннинг аввал Россия империяси, кейин шўролар империяси юритган буюк давлатчилик шовинизми жафоларини тортиши ва унинг оқибатлари.

Шўролардан кейинги маконда шовинистик ва агрессив миллатчилик инерцияси. Марказий Осиё, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шовинизмнинг турли шаклларда намоён бўлиши.

Россия матбуоти тарқатаётган махсус хизматлар ва сиёсатчиларнинг шовинистик даъволари.

Ҳозирги кунда буюк давлатчилик ғояларига ўта замонавий шакл берилаётганлиги, унинг рус миллатининг мумтозлигини тиклаш, Россия теварагида кучли жўғрофий-сиёсий майдон яратиш, «Ягона ва аҳил халқлар оиласи»ни тиклаш, янги мустақил давлатларнинг қайси бири билан ҳамкорлик қилиш, қайсиларини ажратиб қўйиш ва бошқа соҳаларда кўриниши.

Ўзбекистон учун бугунги кунда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик туғдираётган таҳдиднинг реал хавфлари.

Коррупция-мансабдор шахсларни қонунларга хилоф равишда ўз мансабларидан бойлик орттириш йўлида фойдаланишдаги жирканч ҳаттиҳаракатлари эканлиги. Унинг халқаро майдонда кенг тарқалганлиги.

Коррупция ва жиноятчиликнинг иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда ва мулкни қайта тақсимлаш жараёнида намоён бўлиш хусусиятлари. Давлат тизимида ишлаётган мансабдор шахслар томонидан коррупциянинг содир этилиши, жамият хавфсизлигига ва барқарорлигига таҳдид солиши катта хавф эканлиги. Шахсий манфаатни давлат ва миллат манфаатидан устун қўювчи нопок шахсларнинг давлат ҳокимияти бошқаруви тизимига кириб олиш услублари, ҳатти-ҳаракатлари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари.

Ўзбекистонда коррупция ва жиноятчиликнинг келиб чиқиши. Республиканинг коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш стратегияси: иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш; ҳалол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш; бюрократик сансалорлик ва тўсиқларни бартараф этиш ва бошқалар.

Уруғ-аймоқчилик феодал жамиятига хос ҳодиса, унинг қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлиги эканлиги. Уруғ-аймоқчиликнинг ҳозирги даврдаги юртдошлик ва ҳудудий яқинлик шакллари ҳамда унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик тор доирада этник, минтақавий фикр юритишнинг кўриниши эканлиги. Давлат тузилмаларида уруғ-аймоқчилик ва юртдошлар гуруҳларининг этник белги асосида шаклланиши, бу гуруҳларнинг мақсади-ҳокимиятда юқори мансабга кўтарилиши эканлиги.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка қарши курашда миллат ва бутун халқнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий савиясини кўтаришнинг аҳамияти. Экологик муаммолар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил,

3. Каримов И.А. Юксак маънавият жамият тараққиётининг асоси. Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. «Халқ сўзи», 1998 йил 12 ноябрь.

4. Каримов И.А. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. «Тошкент оқшоми», 1998 йил, 11 ноябрь.

5. Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин. Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси А.Кўчимов билан суҳбат. «Маърифат» , 1998 йил 14 ноябрь.

14-дарс. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК, ДЕМОКРАТИК ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОС

САНЪАТГА ПАЙВАСТА ҚАЛБЛАР

Қибрай туманидаги 2-болалар санъат мактабида олиб борилаётган таълим тарбия ишлари мақтовга лойиқ бўлмоқда. Айниқса, сўнъатсевар ўқувчиларни тарбиялашда ўз меҳнатларини аямай хизмат қилаётган устозлардан Баҳодир Зокиров, Шавкат Матёқубов, Зулфия Исломоваларнинг олиб бораётган изланишлари натижасида билим даргоҳи барчанинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Мактаб раҳбарияти ташкилотчилигида фаол ўқитувчилар санъат мактаби ўқувчиларини режа асосида тумандаги боғча, мактаб ва айрим ташкилотларга олиб чиқиб, ўз концерт дастурларини намойиш этмоқдалар.

Шу кунларда улар 11,20,35- болалар боғчаларига бориб, ўз ашула, куй ва рақслари билан болалар кўнгилларини хушнуд этмоқдалар. Айниқса, Аҳмаджонов Дилмурод, Раҳимжонов Абдулазизнинг ширали овозлари, Шомақсудов Баҳодир, Абдукаримов Бекзод, Рустам Муродов, Кравцова Лизанинг чалган оҳангграбо куйлари, Дилафрўз Абдураҳмонова, Дилноза Миртўраеваларнинг ажойиб рақслари болаларга ва ота-оналарга маъқул бўлмоқда. Мактабнинг ёш санъат шайдолари айни кунларда туманнинг бошқа ўқув масканларига ҳам ташриф буюриб, жажжи ширинтойлар олқишини олмоқдалар.

Мухтасархон КАРИМОВА

BERDAQ tavalludining 170 yilligiga

«ИҚБОЛ КЕЛАРМИКАН БИЗНИНГ ЭЛЛАРГА...»

Шу кунларда бутун мамлакатимизда ва хусусан, Қорақалпоқ диёрида таваллудига 170 йил тўлиши кенг нишонланаётган улуғ қорақалпоқ шоири Бердақ бир ярим аср аввал шундай деб орзу қилган эди: «Иқбол келармикан бизнинг элларга?».

Ҳа, шоир орзу қилган иқболли кунлар келди. Эл-юрт ҳақиқий мустақилликка эришди.

Бердақ юбилейини муносиб нишонлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Шу тадбирлар доирасида Тошкентда Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг салобатли ҳайкали очилди, шоир ҳаёти ва ижодини кенг ўрганишга бағишланган улкан анжуман бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси мустақиллик шароитларида улуғ фарзанди сиймоси мисолида қорақалпоқ халқига, унинг тарихи, бугуни ва келажагига билдирилаётган катта ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин кўринишидир.

Бу бир вақтлар шоир орзу қилган қорақалпоқ элига Иқбол келгани муждасидир.

Бердақ наинки қорақалпоқ, балки, умуман, Марказий Осиё халқлари адабиётини «Халқ учун», «Яхшироқ», «Бўлган эмас», «Кўринди» сингари юзлаб шеърлари, «Шажара», «Ахмоқ подшо», «Омонгелди», «Ойдўстбий», «Эрназарбий» каби ўнга яқин достонлар билан бойитди, бу минтақадаги адабиётнинг янги босқичга кўтарилишида фаоллик кўрсатди. Абай, Чўқон Валиҳонов, Сатторхон Абдулғаффоров, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш каби улкан сиймолар қатори халқни уйғонишга чорлади, адолат учун курашишга ундади, ҳақ-ҳуқуқ топталишининг сабабларини аниқлашга уринди, эл-юртни озод ва фаровон кўрмоқ истагида ўрганиб-ёнди.

Бердақ жамиятдаги адолатсизликни, тенгсизликни асарларида кўрсатар экан, ёруғлик, озод турмуш истаги учун курашни синфий кураш даражасида акс эттиргани йўқ. Биз шўро мафкурасига мослаб шоир шеърлари, достонларидан баъзан шундай фазилатни зўрма-зўраки излашга ҳаракат қилдик. Бердақ ижодига жиддийроқ назар ташласангиз, аслида бундай эмаслигининг гувоҳи бўласиз. Зеро, Бердақ достонлари шўро даври қўймоқчи бўлган илмий-назарий талаблардан кўра, акс эттирилган ҳаётнинг ўзига яқинроқ эди. Чунки бу асарлар халқ талаби ва таъсирида туғилди, норозиликлар эса, ўз табиийлигича акс эттирилди.

Шу ўринда Бердақ ижоди шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида икки оғиз гапириб ўтиш лозим бўлади.

Бердақ ижодига таъсир кўрсатган бош омил, авваламбор, ҳаётнинг ўзи эди, албатта. Бироқ таъсирланиш, ижодий ўрганиш, маҳоратнинг такомиллашуви нуқтаи назаридан Бердақ илҳоми уч буюк булоқдан сув ичди, дейиш мумкин. Булар: Навоий, Фузулий, Махтумқулидир. Бердақнинг ўзи ғурур билан:

Навоийдан савод очдим,
Фузулийдан дурлар сочдим,
— деб ёзиши бежиз эмас.

Бердақ ижодининг илдизлари эса, шубҳасиз, ўзигача яшаб ижод этган улкан ватандош шоирларга ҳамда қудратли ва кўркам қорақалпоқ халқ оғзаки ижодига бориб боғланади. Шакл ва мазмундаги халқчил руҳ жиҳатидан Бердақ ижодига муштарак тимсол жаҳон адабиётида мўлдир. Бунинг учун жаҳонга машҳур шотланд шоири Роберт Бернсни /1759-1796/ эслаш кифоядир. Агар Бердақнинг сара шеърлари жаҳон тилларига ўгирилса, унинг бадиийлигидаги гўзал тароватни, образлиликдаги қорақалпоқ руҳини сақлаб қолишга эришилса, фикримизча, Бердақ катта миқёсларда Бернсдан кам бўлмаган даражада шуҳрат топа олади.

Мутахассислар Бердақнинг ўнга яқин достони борлигини айтадилар. Бу достонларнинг аксари тарихий мавзуларда бўлиб, қорақалпоқ халқининг кечмиши, тарихидаги бурилиш нуқталари ва жасоратлар кўрсатган қаҳрамон фарзандлари сиймосини акс эттиришга бағишлангандир.

Шоир ўзининг «Шажара» достонида Марказий Осиё минтақасидаги айрим халқлар, хусусан, қорақалпоқ халқининг келиб чиқиши, тарихий йўли, шажарасини badиий акс эттиради. «Шажара»да, айниқса, ўз юртдошларининг илк илдизларидан тортиб XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган тарихи, уруғларининг пайдо бўлиши, бўлинишдаги силжишлар, улараро айрим нифоқлар, миллий қаҳрамонлар қиёфаси, уларнинг адолат учун олиб борган кураши, халқ бўлиб бирлашиш жараёнлари ёритилади. Асарда, айниқса, инсон ҳуқуқи муаммоларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш жоиз. «Шажара» тарихийлик билан badиийлик чирмашиб кетган асардир. Ундаги айрим фикрлар, маълумотлар илмий нуқтаи назардан тарихий бўлиши учун янада ойдинлик талаб қилинар. Бироқ, у badиий асар эканини ҳам унутмаслик керак.

Бердақнинг «Ахмоқ подшо» достони романтик бир руҳда ёзилган. Асар ниҳоясида тасвирланишича, Гулзор ва Анор подшоҳ кирдикорларини аниқ билишгач, унга қарши исён кўтариб, бу йўлда халқни бирлаштирадилар. Асар ниҳоясида муаллифнинг романтик орзуси ўз ифодасини топади, халқ ниятига етади.

Умуман, Бердақ меросига синчиклаб назар ташласак, унинг буюк орзулар ва нозик армонлар шоири бўлганини сезиш қийин эмас. Шоир «Керак менга» шеърининг бир ўрнида:

Қуёшнинг нури ўйнаган
Ёруғ дунё керак менга, *деса, шу шеърининг яна бир ўрнида:*
Менинг мусофир халқимга
Яйраб-яшнар замон керак,-
деб ёзган эди. Унинг шеърларидаги:

Гул бўлдим-у, яшнамадим,
/«Бўлган эмас»/; ёки
Тоғдан учган бургут бўлдим
Қўнар тепам бўлган эмас
/Ўша шеърдан/

сингари гўзал бадиий мисраларда ифодаланган фикрлар шоирнинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий орзулари, армонлари ҳақида ёрқин тасаввур бера олади.

Бердақ поэтик, бадиий қудратдан ташқари, умуман, билим жиҳатидан кучли шахс бўлган кўринади. Шунданми, унинг асарларида қорақалпоқ халқи ҳаётига доир тарихий асарлар жўғрофий, лисоний, адабий-педагогик нодир маълумотлардан ташқари жаҳон маданиятига доир Арасту, Афлотун, Аттор, Бедил, Фирдавсий, Фузулий, Навоий, Махтумқули каби алломалар ва Эдигей, Алпомиш, Баҳром, Гуландом каби адабий қаҳрамонлар, Ҳиндистон, Доғистон ва бошқа қатор мамлакатлар ҳақидаги фикрларга дуч келамиз. Масалан, «Омонгелди» достонида шоир Қўқон, Бухоро, Фиждувону Қашқар, Тошкент, Андижон, Маркиларни тилга олиб ўтади.

Ҳозир маърифат ва маънавият масалаларига катта эътибор берилаётган бир пайтда буюк Бердақни барчамиз яна бир бор алоҳида эҳтиром билан ёдга олишимиз керак. Қорақалпоқ халқининг буюк маърифатпарвари илгари сурган илм, ахлоқ, маданият, одоб, виждон, адолат ҳақидаги ғоялари жамиятимиз ва замондошимизнинг бугунги равнақига муносиб таъсир кўрсата олади.

Фикримизча, Бердақ шеърлари текстологик жиҳатдан ҳали узоқ изланишлар олиб боришни тақозо этади. Лекин бундан қатъи назар бу улуғ мутафаккирнинг кўпдан-кўп шеърлари ёзма манбалардан кўра халқ тили ва дилида сақланиб келганини яхши биламиз. Бу юбилей кунлари Бердақ асарларини кекса мухлислар оғзидан ёзиб олиб, улар мангулик умрга нойил бўлиши учун беқиёс улуш қўшган Шамшет Хўжаниёзов ва Садирбой Мовленов номларини ҳурмат билан тилга олиш барчамизнинг бурчимиздир.

Бердақ ҳаёти ва ижодини ўрганиш, оммалаштиришда катта меҳнат қилган И. Т. Сағитов, Қ. Аимбетов, Н. Довқораев, М. К. Нурмуҳамедов, О. Қожуров, А. Муртазоев, М. Тлеумуротов, Ў. Алеуов, Қ. Сейданов,Б. Қурбонбоев ва бошқаларнинг хизматларини ҳам бугун алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Шоир асарларининг асл мансубиятини аниқлашда, матншунослик нуқтаи назаридан уларнинг ҳақиқий жилосини тиклашда қорақалпоқнинг ҳозирги оқсоқол сўз устаси Иброҳим Юсупов улкан ишларни амалга оширди. Бу йўналишдаги иш, фикримизча, янги, навқирон авлод вакиллари томонидан ҳам давом эттирилади.

Айни вақтда, Бердақнинг 170 йиллиги муносабати билан қатор долзарб тадбирларни амалга оширишда жонкуярлик қилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг доимий вакили К. Ю. Юсуфбоев меҳнатларини таъкидлаш лозим.

Биз бугун Бердақ ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритар эканмиз, шоир асарлари билан ўзбек китобхонларини ошно этган, унинг шеър ва достонларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган қатор шоирларни, айниқса, устоз Миртемирни ҳурмат билан ёд этамиз. Айни вақтда, Бердақ асарларининг янги таржималари устида астойдил меҳнат қилаётган Музаффар Аҳмад меҳнатларини эътироф этмоқ лозим.

Бердақ шеърларидан бирида: «Жаҳон менга ҳавас билан қарасин», деб орзу қилган эди. Биз буюк шоирнинг орзулари ушалаётган замонда яшамоқдамиз. Зеро, бугун бутун Қорақалпоқ диёри, Ўзбекистондаги шеърхонлар, хорижий мамлакатларда унинг асарларини ўқиётган китобхонлар бу улуғ шоирга чексиз ҳурматларини изҳор қилмоқдалар.

Минг йилдан сўнг қандай бўлар, ажабо,
Бир кўрай, Луқмоннинг узоқ умрин бер, —
деб ёзган эди Бердақ ўзининг асарларидан бирида.

Бугун шоирнинг бу орзуси ҳам амалга ошиб турибди, дейиш мумкин. Зеро, Яратганнинг ўзи ўз шоирини улуғ орзусига ноил этди.

Унинг руҳи, ёди биз билан доимо барҳаётдир.

Бахтиёр НАЗАРОВ

Xullas...

МАШҚ ВА ЯНА МАШҚ

Икки карра Европа чемпиони Александр-Вишневскийнинг яшаш тарзи ҳам бошқа спортчиларникидек. Унинг шиори: машқ ва яна машқ! 90 кг вазндаги бу спортчи овқатга мутлақо ружу қўймаган. Александр Вишневскийнинг кундалик таомномаси қуйидагича.

Эрталабки нонуштаси соат 10 яримда. Соат 11 дан 14 га қадар машқ. Тушликда товуқ гўшти билан гуруч. Икки соатлик дамдан сўнг тағин машқ.Кечқурун у бешта тухум оқини гуруч билан биргаликда истеъмол қилади.

Демак, гап овқатда эмас, балки машқда ва яна машқда...

ДЕҲҚОН... ҲАЙКАЛТОРОШ

Пекин шаҳрида очилган нафис санъат асарлари галереяси «Катта дарё» деб номланган эди. Асарларнинг барчаси ҳайкалтарошлик намуналари бўлиб, муаллиф 54 ёшдаги Ю.Ченчендир. 15 йилча бурун бу одам ҳайкалтарошликнинг орқасидан машҳур бўлиб кетаман деб хаёлига ҳам келтирмагандир? Бу ҳам Оллоҳ ато этган қобилиятдан нишона. Эндиликда гил, тупроқнинг «тили»ни обдон тушуниб олган деҳқон маҳорати юксак ҳайкалтарошга айланди. Ҳайкалларнинг эса «бозори чаққон».

«КИМЛИГИНИ БИЛМАСАНГИЗ, ОЧМАНГ!»

Бировнинг уйини, мол-мулкини тўнаб кетиш билан кун кечирадиган нусхалар анчайин кўпайиб қолишган. Қозон шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионер аёл ҳам шундайларнинг домига тушиб қолди...

Эшик қўнғироғи жиринглади, ЖЭК ходимлари эканини айтгач, кампир ювиётган кирини тўхтатиб, улар билан муомала қила бошлади. «ЖЭК»дан келганлар эса уй ичига кириб олишгач, бекадан қимматбаҳо пул ва буюмлар сўрашди. Бундай кезда, биласизки, жон азиз. Қалтираб турган кампир ўз қўли билан қанчадир пул ва тилла буюмларини ўғриларга тутқазди. Ахир, жон ширин-да...

Заинск деган жойда эса ЖЭК ходими қиёфасига кирган тўлак гўёки газ трубасини текширган бўлиб, 12 ёшдаги қизчани нари - бери қилиб доирилбақога жўнатди ва уйни «боплаб» тўнади.

Эшик қўнғироғи жиринглаганда, кимлигини аниқ билмасангиз, ҳеч қачон очманг! Акс ҳолда бор-будингиздан айриласиз, деб уқтиради Қозон шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари.

ana shunaqa gaplar...

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртининг ходими Ҳожия Шукуровага турмуш ўртоғи, билим юрти ўқитувчиси Насиба Узоқовага падари бузруквори **Абдумажид Шукуров** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ

Sport maydonchasi

ЭРКИН КУРАШ

Ушбу мусобақанинг илк учрашувида ҳамюртимиз Адҳамжон Очилов кореялик рақибини 4:2 ҳисобида енгди. Рамиел Исломов японияликлар полвонни 6:3, Сослан Фраев эса хитойлик Чен Хунг — Йаони 10:0 га мағлуб этди. Сагит Котинавасов қирғизистонлик Нурбек Изабековдан 2:4 ҳисобида енгилди.

ДУРАНГ ВА МАҒЛУБИЯТ

Ватерполчиларимиз кучли олтиликдаги биринчи учрашувни японияликлар билан ўтказиб, дурангга эришдилар. Аммо теннисчимиз Олег Огородов ҳиндистонлик Маҳеч Бҳипҳатхидан мағлуб бўлди.

ҒОЛИБЛАР ҚАЙТИШДИ

Ўн учинчи Осиё ўйинларининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш мусобақаларида чемпионликка эришган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келишди. Ғолибларни Тошкент аэропортида бир гуруҳ журналистлар, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлари ҳамда уларнинг оила аъзолари кутиб олишди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Ушбу спорт тури бўйича биринчи ўринга даъвогар ҳисобланган Игор Ҳалилов кумуш медаль билан кифояланди.

БОКС

Финалга йўлланма олган етти нафар боксчимизнинг тўрттаси учрашувлар ўтказишди. Уч нафар спортчимиз кумуш медаль соҳиби бўлишди. Ҳамюртимиз Руслан Чагаев эса Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.



Qutlov

Қадрли Рихсибой ТИЛЛАЕВ!

Сизни 60 ёшингиз ва педагогик фаолиятингизнинг 30 йиллиги билан табриклаймиз. Таълим - тарбиядек эзгу ишингизда ҳамиша муваффақият ёр бўлсин. Соғ-омон бўлинг!

Тошкент тумани В. Каримов номидаги 1-ўрта мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.

ДИҚҚАТ!

«МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ» НАШР ЭТИЛАДИ

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

1999 йил январидан эътиборан «Соғлом авлод учун» журналининг иловаси — «Мактабгача таълим» илмий-методик журнали чоп этилади. Мактабгача тарбия мутахассислари, тарбиячилар, ёш ота-оналар эҳтиёжи ва талабларига биноан ташкил этилган ушбу нашр 1999 йил обуна каталогига қўшимча равишда киритилди.

«Мактабгача таълим» саҳифаларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ равишда мактабгача таълим соҳасининг энг зарур вазифаларини ҳал этиш бўйича мураббиялар фаолиятида қўл келадиган услубий йўл-йўриқлар, дастурга оид кўрсатмалар, амалий машғулотлар, кичкинтойлар учун қўшиқ ноталари, қимматли маслаҳатлар бериб борилади.

«Мактабгача таълим» нашри индекслари қуйидагича:

Якка обуначилар учун – 1038;

Ташкилотлар учун – 1039.

«Мактабгача таълим»га республикамизнинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Обуна бўлишга шошилинг, дўстлар!



БЎШ ЎТКИРМА

Азиз муштарий!

Қуйида таърифланган сўзларни шаклдаги белгиланган хонадон соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиб, машқни ҳал этинг.

1. Эр-хотинликни расмийлаштириш маросими. 2. Уйланувчи йигит томонидан қиз томоннинг розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. 3. Бирор йигитга, шу йигитга нисбатан, унаштирилган қиз. 4. Бир-бирларига нисбатан куёв ва келиннинг ота-оналари. 5. Набирага нисбатан отанинг ёки онанинг отаси. 6. Бир ота-онадан тарқалган зурриёд. 7. Ҳар бир ўзига мустақил оила хўжалиги. 8. Мақолдан: «Ховли олма...? ... ол». 9. Никоҳ тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган нарсалар. 10. Онанинг опа-сингиллари. 11. Мақолдан: «Бол ширин, болдан ...? .. – ширин». 12. Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини акс эттирувчи рўйхат, силсила. 13. Ота-онанинг ўзидан кейинги учинчи авлоди . 14. Бир-бирларига нисбатан, ака-укаларнинг умр йўлдошлари.

МУАММОНОМА

Аввал қуйида таърифланиб, рақамларда яширинган сўзларни топиб очқични ечинг.

1. Меҳнатдан эришиладиган омад, иқбол – 3, 1, 10, 9.

2. Мамлакатимизда кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги – 12, 1, 14, 1, 7, 7, 1.

3. Инсоннинг ҳаётлик даври – 13, 12, 5.

4. Мусулмончилик фарзларидан бири – 5, 11, 6, 2.

5. Яратганнинг фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган энг олий жонли зоти – 4, 8, 1, 12.

Энди жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан ибратли сўзлар аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ПОКЛАНИШ ФАСЛИ

Ушбу кунларда умримизнинг яна бир бор улуғ моҳи Рамазон ойи бошланди.

Қуйида рўза тутишни ният қилган муштарийларимиз учун Рўза тақвими эълон қилинмоқда. Моҳи Рамазон ойи барчангизга муборак бўлсин!

РЎЗА НИЯТИ

НАВВАЙТУ АН АСУМА САВМА ШАҲРИ РАМАЗАНА МИНАЛ ФАЖРИ ИЛАЛ МАҒРИБИ. ХОЛИСАН ЛИЛЛАҲИ ТАЪАЛА. АЛЛОҲУ АКБАР.

МАЗМУНИ: Аллоҳ Таоло учун ихлосим бирла рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

Рамазон	Декабрь Январь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугатиш	Ифтор вақти	Қайд учун
1	19	Шанба	6.06	16.55	
2	20	Якшанба	6.06	16.56	
3	21	Душанба	6.07	16.57	
4	22	Сешанба	6.08	16.57	
5	23	Чоршанба	6.08	16.58	
6	24	Пайшанба	6.08	16.58	
7	25	**Жума**	6.09	16.58	
8	26	Шанба	6.09	16.59	
9	27	Якшанба	6.09	17.00	
10	28	Душанба	6.09	17.01	
11	29	Сешанба	6.09	17.01	
12	30	Чоршанба	6.09	17.02	
13	31	Пайшанба	6.09	17.04	
14	1	**Жума**	6.09	17.05	
15	2	Шанба	6.08	17.05	
16	3	Якшанба	6.08	17.06	
17	4	Душанба	6.07	17.07	
18	5	Сешанба	6.06	17.08	
19	6	Чоршанба	6.06	17.09	
20	7	Пайшанба	6.05	17.10	
21	8	**Жума**	6.05	17.11	
22	9	Шанба	6.04	17.12	
23	10	Якшанба	6.04	17.13	
24	11	Душанба	6.04	17.14	
25	12	Сешанба	6.03	17.15	
26	13	Чоршанба	6.02	17.16	
27	14	Пайшанба	6.01	17.17	
28	15	**Жума**	6.01	17.19	
29	16	Шанба	6.00	17.21	
30	17	Якшанба	5.59	17.22	

РЎЗАНИ ОЧИШ ДУОСИ

АЛЛОҲУМА ЛАКА СУМТУ ВА БИКА АМАНТУ ВА АЛАЙКА ТАВАККАЛТУ ВА АЛА РИЗҚИКА АФТАРТУ, ФАҒФИРЛИ МО ҚОДДАМТУ ВА МА АХХАРТУ БИРОҲМАТИКА ЙА АРҲАМАР РОҲИМИН.

МАЗМУНИ: Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтирдим. Сенга таваккал қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй, гуноҳларни авф этгувчи Аллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил ва ярлақагил.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00.